

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2013 йил 7 февраль, № 26 (5700) Пайшанба


Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

*“Остон Шариф Файз” фермер хўжалиги томонидан йилига 200 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватига эга мавсумий музлаткич барпо этилди.*

### Музлаткичдан — савдо расталарига

— Хўжалигимиз сабзавотчиликка ихтисослаштирилган,— дейди лойиҳа ташаббускори, Бухоро шаҳридаги Сувобод аҳоли пунктида яшовчи тадбиркор Ҳусен Шарипов. — Аҳолини қиш мавсумида ҳам сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш ниятида эдик. Мақсадимиз амалга ошди. Эндиликда нафақат ўзимизнинг, балки қўшни фермер хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа эгалари томонидан етиштирилган маҳсулотларни ҳам йил бўйи худди ҳозир пайкалдан узилгандек сақлаш имконига эгамиз. Музлаткич Германия технологияси асосида тайёрланган бўлиб, кафолатли ишлайди. Лойиҳани амалга оширишимизда банк томонидан ажратилган 110 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи жуда қўл келди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2012 йилда шу каби лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига вилоят тижорат банклари томонидан 243 миллиард 422 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бозор талаблари асосида

*Шўрчи туманидаги терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Темур-Малик” корхонасида ички бозор талабидан келиб чиққан ҳолда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга киришилди.*

Айни пайтда бу ерда пахта тозалаш, электр ва алоқа тармоғи корхоналари учун чарм тасмалар ҳамда прокладкалар, шунингдек, гидронасослар учун зарур ашёлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳалар корхонанинг ўз маблағи эвазига амалга оширилди.

— 2012 йил давомида жамоамиз томонидан спорт мактаблари учун 205 миллион сўмлик чарм тўплар, пойабзаллар ҳамда сумкалар етказиб берилди, — дейди корхона раҳбари Амирқул Қулматов. — Жорий йил бошида эса қўшимча линияларнинг фойдаланишга топширилиши билан ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ошди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Компьютерлашган тикув дастгоҳлари

*“SAAS teks invest” масъулияти чекланган жамиятининг Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхонасида, асосан, ёшлар меҳнат қилади. Хусусан, жамоа аъзоларининг 80 фоизини коллеж битирувчилари ташкил этади.*

Масалан, Хуршида Раҳимова, Салтанат Тўрабоева, Муяссар Обидова ўтган йили енгил саноат соҳаси бўйича кичик мутахассис дипломини олишганди. Айни пайтда улар компьютерлашган тикув дастгоҳлари ёрдамида бежирим кийимлар тикишаяпти. Шаҳарнинг Косонсой кўчасидаги бўш турган маъмурий бино ўрнида барпо этилган мазкур корхона шарофати билан 52 нафар қизнинг бандлиги таъминланди. Ҳозир бу ерда ойига 40 минг донадан зиёд тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, тўлиқ экспортга чиқарилмоқда.

Айтиш лозимки, мазкур йўналишдаги тадбирлар кўламининг кенгайиши натижасида ўтган йили вилоят экспорти ҳажми 87 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, олдинги йилдагига нисбатан 105,2 фоиз ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

*Бугун барқарор тараққиётга эришишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам кўра ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Қайси соҳага эътибор қаратманг, ушбу технологиялардан фойдаланиш тобора кенгаяётганига гувоҳ бўласиз. Айтиш кераки, республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий ҳамда моддий-техник базасини кун талабларидан келиб чиқиб янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Буларнинг барчаси пировард натижада Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” тамойилларини ҳаётга самарали татбиқ қилиш, юртимиз равнақи ва халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш, одамлар дунёқарашини ўзгартириш, мамлакатимиз нуфузини оширишда катта аҳамият касб этиб келаяпти. Шунга мос равишда қисқа вақт ичида ўзимизнинг илғор АКТ тизими ҳамда инфратузилмасига эга бўлганимиз диққатга сазовордир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётгани соҳанинг ёрқин келажагини таъминлайди, албатта.*




### Ислоҳот

**Шу ўринда 2012 йилда амалга оширилган ишларни олиб кўрайлик:**

Хусусан, ушбу даврда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожлангани кузатилди. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси берган маълумотларга кўра, ҳисобот даврида соҳада экспорт ва ишлаб чиқариш, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар самарадорлиги ошган. Албатта, юқоридагиларнинг барчаси она-Ватанимиз иқтисодий юксалишини янада жадаллаштириш, аҳолига бу борада тақдим этилаётган қулайликлар портфелини кенгайтиришга хизмат қилди.



**Истиқболли лойиҳалар самарадорлиги қандай?**

2012 йилда инвестиция лойиҳалари асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш жараёнлари янги босқичга чиқди. Узунлиги 180 километрдан зиёд бўлган Бойсун — Денов, Ургут — Шаҳрисабз оптик толали алоқа линияси ишга туширилгани, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали босқичма-босқич рақамли телевидениега ўтиш амалга оширилгани бунинг ёрқин исботидир. Натижада бу аҳолини мамлакатимиз бўйича рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоизга етказиш имконини берди.

**Ўтган йилда мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатиш ҳажми**

**24,5**

**фоизга кўпайди.**

Қолаверса, “Ўзбектелеком” АК томонидан Қўқон ва Бухоро шаҳарларида халқаро коммутация марказларини янгилаш бўйича муайян ишлар бажарилди, мавжуд абонентларни янги АТСларга улаш жараёнлари амалга оширилаётир. Шулар билан бир қаторда, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги 7780 Мбит/с.га етказилиб, 2011 йилдагига нисбатан 61 фоизга ошди. Бунинг самарасида оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун белгиланган тариф 2012 йил бошидагига нисбатан 25 фоизга арзонлаштирилди.

**Бунга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз**

Гап нима ҳақида кетаяпти дейсизми?

Табиийки, ўзида ранг-баранг “ассортимент”ни мужассам этган кенг полосали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш борасида амалиётга жорий қилинаётган ислоҳотлар ҳақида. Сабаби, мазкур илғор техник ҳамда технологик янгиланиш аҳолининг ахборот ва алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришда катта ўрин тутади. Бинобарин, бугун ушбу имкониятдан фойдаланаётганлар сони тобора ошиб бораётир. Кенг полосали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ўрнатилган портлар миқдори ўтган йили 2011 йилдагига нисбатан 55,5 фоизга ўсгани, IPTV абонентлари сони ортиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Булар билан бир қаторда, “Ўзбектелеком” АК томонидан 573 км. оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, республика бўйича кўп қаватли биноларда FTTB технологияси асосида хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

### Эътироф

*Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва туб ислоҳотлар, шунингдек, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътиборида турган мавзулардан бири бўлиб келмоқда.*

# Дунё матбуоти Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар ҳақида

Яқинда **Хитойда чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири — “Гуанмин жибао” кундалик газетасида** “Ўзбекистон: мустақил белгилаб олинган тараққиёт йўлидан” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўзининг миллий ва тарихий хусусиятларига ҳар томонлама мос келадиган ривожланиш йўлидан оғишмай қадам ташламоқда.

“Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланмоқда, иқтисодиёт гуркураб ривожлангани ҳолда, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро осойишталик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётир, — дея ёзилади газетада. — Шунингдек, аҳоли фаровонлиги ҳам узлуксиз равишда юксалмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ошиб бориши баробарида, турли давлат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари кенгаймоқда”.

“Гуанмин жибао” Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига алоҳида эътибор қаратар экан, мазкур оқилона стратегия туфайли жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммолар ҳали-ҳамон сақланиб турган бир шароитда ҳам мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, фуқароларнинг ҳаёт тарзи юксалиб, республикамизнинг дунё бозоридаги ўрни янада мустаҳкамланаётганини юқори баҳолайди.

**Австриянинг оммабоп ва эътиборли матбаа нашрларидан бири — “Kurier” журнали** халқаро молия институтларининг маълумотларига таянган ҳолда, 2012 йили Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш борасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларни эътироф этади. “Kurier” журнали республикамиздан экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифатини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолар экан, мазкур ислоҳотлар натижасида тайёр товарларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 70 фоиздан ортгани ҳамда ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион АҚШ долларидан ошганини алоҳида таъкидлайди.

Мақолада қайд этилишича, барқарор банк тизими, давлат қарз даражасининг пастлиги ва оқилона иқтисодий сиёсат мамлакатимизни жаҳон молиявий инқирозининг ҳали-ҳамон сақланиб қолаётган салбий оқибатларидан муҳофаза қилди. “Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши суръатлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу республикада юз бераётган улкан ўзгаришлардан далолатдир”, дея ёзилади “Kurier” журналида.

Нашрда таъкидланишича, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти ва йўналишларидан бири фаол сармоявий сиёсатдир.

(Давоми 2-бетда).

### Фаоллар йиғилиши

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган фаоллар йиғилишларида 2012 йил якунлари таҳлил этилмоқда ҳамда Президентимизнинг жорий йил 18 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” деб номланган маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

# Долзарб масалалар муҳокамаси

**Андижон вилояти**

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарди. Таъкидланганидек, 2012 йилда вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида барқарор ўсиш таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 8,4 фоизга ортди. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 7,6, қурилиш ишлари ҳажми 13,6 фоизга ошди.

Вилоятда бу даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожланиш босқичига кирди. Натижада белгиланган режалар 116,3 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Пировардида экспорт бўйича белгиланган режа ижроси якунда 135,6 фоизни ташкил этди.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўтган йили вилоятда 2290 кичик ва хусусий бизнес субъекти фаолият бошлади. Мазкур соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 57,4 фоизга етди.

Ҳисобот даврида Бандлик дастури ижроси изчил таъминлангани қайд этилди. Унга кўра, 79 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Уларнинг 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Жумладан, касб-ҳунар коллежларини битирган 42,6 минг нафар йигит-қиз Дастур доирасида ишга жойлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

# Экспорт таркиби ва сифати яхшиланмоқда

**2012 йилда мамлакатимизда экспорт ҳажми сезиларли равишда кўпайиб, бу борада ўсиш суръати**

Бир рақам шарҳи

**11,6**

**фоизни ташкил қилди.**

**Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш орқали товарлар сифатини яхшилаш, жаҳон талабларига мос янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.**

### 2013 йил — Обод турмуш йили

*Бугун йилнинг тўрт фаслида юртдошларимиз дастурхонидан сархил ноз-неъматлар узилмайди. Бозору дўконларни айлансангиз, расталарда сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чеваларнинг турфалигидан кўзингиз қувнайди. Шунда фермеру деҳқонларимиз меҳнатига, она-замин саховатига, истиқлол шарофатига қайта-қайта шукрона айтасиз.*

# Дастурхонимиз файзи

Мана, айни қиш палласи бўлишига қарамай, сифатию мазаси яхши сақланган мевалар совутқичли омборлардан тўғридан-тўғри бозорларга чиқарилаётган бўлса, янги узилган помидору бодринг, лимону барра кўкатлар иссиқхоналардан пешма-пеш дастурхонимизга тортиқ қилинмоқда.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида одамларимизнинг онгу тафаккури тубдан ўзгариб, уларда ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди, — дейди янгиерлик отахон Бозорбой Ҳакимов. — Бунинг тасдиғини вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина иссиқхоналар ташкил этиш тажрибасини олайлик. Улар туфайли рўзғоримизга барака кирди. Бундай неъматларнинг нархи пишиқчилик мавсумидагидек арзонлигини айтмайсизми?! Қолаверса, ойнаванд далаларда қанчадан-қанча ёшлар меҳнат қилиб, дурустгина даромад кўришаяпти. Бундай хайрли ишга қўл урган ишбилармонларимиз эса топганини эл билан баҳам кўрмоқда.

Отахоннинг айтганича бор. Қишда ҳам дастурхонимизга ёз неъматлари файз киритаётгани фаровонлик белгисидир. Жумладан, Гулистон туманидаги Мевазор маҳалласида шундай замонавий иссиқхоналардан учтаси ташкил этилган.

— 2011 йили “Гулистон Юлдуз парранда” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйгандик, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Маманазаров. — Кўп ўтмай, корхонамиз қошида, 9 гектар майдонда замонавий лойиҳалар асосида учта иссиқхона барпо этдик.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Айни чоғда...**

Кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган мобиль алоқа тизими салоҳиятини кенгайтириш масаласи ҳам доимий эътибордадир. Масалан, "ЎзМобайл" филиалининг CDMA-450 симсиз тармоғи билан қамраб олиш даражаси изчил ортаяпти. Бунда ўтган йили 121 база станцияси ўрнатилгани ҳам айни муддао бўлди. Шу боис ҳамюртларимиз, хусусан, қишлоқ жойлардаги абонентларга интернет ган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиш тизимларига 140 дан ортиқ давлат органлари улангани ҳам эътиборлидир.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу борада "Электрон ҳукумат" тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуэлектрон ҳужжат айланиши тизимининг ҳаётга татбиқ этилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хусусий сектор ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш, республикамизда ахборот муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари Компьютерлаштириш марказларига "uz" доменини рўйхатга олиш мақоми берилди. Бу эса "uz" доменини ҳудудларнинг ўзида рўйхатга олиш ва улар



## Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

хизматларини кўрсатиш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, мобиль алоқа компаниялари томонидан маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш бўйича янги технологиялар (3G ва 4G) тармоғини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳам рўёбга чиқарилди.

**Миллий ахборот тизими ҳақида нима дейиш мумкин?**

Аввало, интерактив давлат хизматлари (ИДХ) кўрсатиш соҳасига диққатимизни қаратсак. Хусусан, бугунги кунга келиб, давлат ахборот ресурсларининг умумий сони 195 тага етказилди. Шуларга мос равишда, интерактив давлат хизматлари рўйхатига ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг умумий миқдори 197 тага етди. Давлат органлари томонидан тақдим этиладиган хизматлар қарийб 620 тани ташкил этаётир. Масалан, ҳозирги кунда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг маълумотлари миллий базаси яратилган. Бу эса фуқаролар, ишбилармонлик соҳаси вакиллари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш, улар билан танишиш имконини бераяпти.

Яна бир қулай тизим муассиснинг ёки рўйхатга олувчи органнинг электрон буюртмаси асосида марказлаштирилган маълумотлар базасида фирма номларини захиралаш билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар эса бевосита интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Албатта, буларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектларга қатор қулайликлар, жумладан, масофа ҳамда вақтдан ютиш имконини беради.

2012 йилга келиб ягона ҳимоялан-



қароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди...

...Яқинда "e-Hujjat" электрон ҳужжат айланиши тизимининг янги версияси тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва шериклик" қўшма лойиҳаси ҳамда "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, "e-Hujjat" нинг сонини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, почта алоқаси, интернетда обуна қилиш тизимида ҳам ривожланиш кўзга ташланди. Худди шундай янгиланишлар АКТ таълими соҳасида кузатилди. Боиси, қўмита тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бир қатор касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини муттасил такомиллаштириб бориш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар қилинаяпти.

**Шу мақсадда:**

— 36 та ўрта махсус ўқув юртига "L-Plata" (ушбу платформа дастурий таъминот соҳасидаги миллий инновацион маҳсулот бўлиб, у телекоммуникация ва ахборот технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига замонавий микроконтроллёр дастурларини ўзлаштириш, шу асосдаги қурилмалар схемаларини ишлаб чиқишни ўрганишга ёрдам беради) ўқув тўпламлари ва "Виртуал электроника" бўйича лаборатория жамламаси тақдим этилиб, улар компьютер ички тузилмасини ўргатувчи кўргазмали стендлар билан таъминланди;

—"ZiyoNet" тармоғининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ишларини тарғиб қилиш бўйича илмий-амалий конференция ўтказилди ҳамда ушбу порталга 2170 дан ортиқ мақола ва 3450 та ахборот ресурси жойлаштирилди;

—"Электрон таълим" лойиҳаси доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кутубхона фондидан 3000 дан ортиқ китоблар электрон шаклга ўтказилди;

— болалар ва ўсмирлар учун учта миллий компьютер ўйинлари яратилиб, ICTExpo — 2012 кўргазмасида намойиш этилди.

**Хулоса ўрнида...**

Вақт ва замон — шиддат билан ўтиб бораяпти. Унга ҳамқадам бўлиш эса тўхтовсиз ҳаракат, узоқни ўйлаб қабул қилинган стратегик режаларни жадал рўёбга чиқаришни талаб этади. Шунинг учун ҳам халқимиз турмуш фаровонлиги ва ободлигини ҳамиша юксалтириб боришдек улуғ мақсадни ўзида ифодалаган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ана шу талабларга тўла жавоб бериши билан мудом нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар эътирофидадир. Ушбу дастуриламалнинг самарали ижросида илғор ахборот-коммуникация технологиялари салоҳиятидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса янада эътиборлидир.

Зотан, Юртбошимиз 2012 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматларини кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур".

**Саиджон МАХСУМОВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Долзарб масалалар муҳокамаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, вилоятда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида 260 миллиард 198 миллион сўм ва 1151,1 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди.

Йиғилишда айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги танқид қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қишлоқларга саноатни олиб кириш, мева ва сабзавотни қайта ишлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

### Навоий вилояти

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Э. Турдимов маъруза қилди. Унда 2012 йилги иқтисодий дастурнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 4,5 фоиз ўсишига эришилгани таъкидланди.

Шунингдек, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, чакана савдо айланмаси 17,9, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 10,4 фоизга ошди.

Ҳисобот даврида йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилгани қайд этилди. Жумладан, вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот" ОАЖ, Навоий иссиқлик электр станцияси каби корхоналарда жами 29 та лойиҳа амалга оширилиб, 680,1 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Айниқса, вилоятда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли 2012 йилда 37 турдаги тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилиб, экспорт ва маҳсулотлар хизмати 522,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳам таҳлил қилинди. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда 2013 йилда дастурий вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.

**А. ЗАРИПОВ.**

### Наманган вилояти

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Юсупов маъруза қилди. Айтиш керакки, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 2011 йилдагига нисбатан 10 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14,9, қишлоқ хўжалиги 7, қурилиш ишлари 10,2, чакана савдо айланмаси 16,6 ва хизмат кўрсатиш 16,8 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятдаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 9,6 фоизга ўсиб, бунда тайёр маҳсулот экспорти 2011 йилдагига нисбатан 53,2 фоизга ошди.

Бандлик дастурига мувофиқ, ўтган йилда вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида 75 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 81,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди.

Барча манбалар ҳисобидан 728 миллиард сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилгани, айниқса, эътиборга сазовор. Бу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 112,6 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг қарийб 40 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Пировардида вилоятнинг 2012 йилга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурига киритилган 92 лойиҳа ўрнига 178 лойиҳа амалга оширилди.

Йиғилишда қишлоқларда қурилаётган якка тартибдаги намунавий уй-жойларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш каби масалалар ва бу бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида тегишли мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ.**

### Самарқанд вилояти

Вилоят ҳокими З. Мирзаев бошқарган фаоллар йиғилиши сим орқали мулоқот шаклида ташкил этилди. Муҳокама жараёнларини маҳаллий кенгашлар депутатлари, тегишли идоралар мутасаддилари, кичик бизнес вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ўқув муассасалари раҳбарлари ҳамда ёшлар кузатиб бориш ва ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлди.

Қайд этилганидек, вилоятда ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 10,7 фоизни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 16,3 фоизга, қурилиш ишлари 15,4, хизмат кўрсатиш 17,5 фоизга ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 76,5 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 43,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисоботда Бандлик дастури ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашилгани таъкидланди. Хусусан, унга мувофиқ, яратилган 93,8 минг иш ўрнининг 78,1 мингтаси қишлоқ жойларга тўғри келди. Қолаверса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган 55,3 минг йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Жумладан, вилоятда саноат соҳасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани, натижада Нуробод, Қўшработ, Булунғур туманларида саноатни ривожлантириш суст кечгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, йиғилишда 2012 йилда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларининг сўзсиз бажарилиши, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**М. НАЖИМОВ.**

### Хоразм вилояти

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими П. Бобожонов олиб борди. Унда 2012 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян натижаларга эришилгани таъкидланди.

Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,8 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари 11,4 фоиз, халқ истеъмоли товарлари 12,5, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 8,5, капитал қўйилмалар ҳажми 6,3, қурилиш ишлари 11,8, чакана савдо айланмаси 9,2 фоиз, жами хизматлар 16,8 фоизга ошди.

Вилоятда саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 100 дан зиёд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ишга туширилди, 17 та корхона модернизация қилиниб, 4,1 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Йиғилишда 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганига тўхталиб ўтилди. Чунончи, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши 2000 йилдагига нисбатан 34,2 фоиздан 73,8 фоизга етказилгани қайд этилди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида 731 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Бунда тижорат банклари томонидан уларга 212,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилгани муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, Бандлик дастурига асосан, ўтган йили 60 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Йиғилишда вилоятда саноат салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини амалиётга жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**О. РАҲИМОВ.**

## Қисқа сатрларда

• Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, танлов асосида саралаб олинган йигитлардан бир гуруҳини муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

**• Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг саноат салоҳиятини юксалтириш, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хориж техникаси ва технологик ускуналарини етказиб беришда бевосита амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган тақдимот-кўргазма ташкил этилди.**

• Нодира номидаги Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказида "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш — давр талаби" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоятда мазкур соҳани янада равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

**• Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Ёш тадбиркорлар — бир оиламиз!" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда кичик бизнес ривожида ёшларнинг ўрни ва бу борадаги кўрсаткичлар таҳлил этилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Дунё матбуоти Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Стратегик хорижий сармоядорларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистонда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилган, — деб ёзади журнал. — Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакат ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда".

**Жанубий Кореяда чоп этиладиган "The Korea Times"** газетасида ҳам Ўзбекистонга бағишланган махсус мақола чоп этилди. Унда қайд қилинишича, республикамизда иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат — бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ва ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш сингари беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳаётга татбиқ этилмоқда.

"Туб ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатларини намойиш этаётган мустаҳкам ва барқарор иқтисодиёт бунёд этилди, — деб ёзади газета. — Энг илғор технологияларни жалб қилган ҳолда корхоналарни модернизациялаш, техникавий ва технологик янгилаш бўйича кенг миқёсли дастурларнинг амалга оширилиши энергетика, нефть ва газ кимёси, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноатлари, машинасозлик ва автомобилсозлик, дори-дармонлар ва микробиология сингари устувор соҳаларнинг жадал ривожланишига хизмат қилди".

Мақола интиҳосида Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, инқирозга қарши чораларни олиб бориш сингари йўналишларда эришилган кўрсаткичлар ва муваффақиятлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари халқаро молия институтлари томонидан юқори баҳолангани таъкидланади.

**«Жаҳон» АА.**

# Дастурхонимиз файзи



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг учун 550 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундан 300 миллион сўмини банк томонидан ажратилган кредитлар ташкил этди. Айни пайтда ана шу ойнаванд далаларда, асосан, помидор, бодринг ва кўкатлар етиштираяпмиз. Ҳозир маҳсулотларимизга нафақат вилоятимиз, балки Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан ҳам буюртмалар келиб тушаяпти.

Бугун ушбу иссиқхонада 14 киши меҳнат қилмоқда. Улар яқин кунларда экиладиган помидор кўчатларини тайёрлаш билан банд.

— Бу йил Голландияда етиштириладиган "Буран" номли помидор навини экамиз, — дейди тажрибали мутахассис Комилжон Маматқулов. — Касалликка чидамли бу кўчатлар 125 кунда шиғил ҳосилга киради. Шунингдек, 45-50 кунда пишадиган бодринг навини ҳам ерга қадаймиз. Яна бир янгилик: одатда, иссиқхоналарни иситишда табиий газ, кўмир, ўтиндан фойдаланилади. Бу эса анчагина сарф-харажатни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, Ширин шаҳридаги "Сирдарё иссиқлик станцияси" ёнида, 1 гектар майдонда корхонадан чиқаётган буғ ёрдамида ишлайдиган иссиқхона қурмоқчимиз. Ушбу лойиҳамиз амалга ошса, етиштираётган маҳсулотларимиз таннархи янада арзонлашади.

Эътиборли жиҳати, шу кунга қадар вилоятдаги мавжуд 82 та иссиқхонада 1500 тонна маҳсулот етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Эндиликда яна 172 нафар тадбиркор ушбу фаолият турини йўлга қўйиш тараддудида.

— Ўтган йили вилоят тижорат банклари томонидан иссиқхона қуриш ташаббуси билан чиққан тадбиркорларга 700 миллион сўмлик кредитлар ажратилиши натижасида 180 та иш ўрни яратилганди, — дейди Марказий банк Сирдарё вилояти бошқармасининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Низомиддин Сулаймонов. — Жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ташаббусларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун бир миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратишни режалаштирганмиз.

Ташаббус ва интилиш эзгу мақсадлар рўёбига йўл очади. Шу маънода, бугун Сирдарёда иссиқхоналар ташкил этиб, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаётган миришкор ва тадбиркорларимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Зеро, ризқи мўл, насибаси бутун элнинг бугуни фаровон, эртаси янада нурафшон бўлиши, шубҳасиз.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ.**

Муаллиф олган сурат.

## Жараён

*Олтинкўл туманида фаолият кўрсатаётган "Кезар текс" масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2011 йилни 1 миллиард 592 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлаган эди. Корхона техник ва технологик жиҳатдан янгилангач, ўтган йили бу кўрсаткич икки баробарга ортди.*

### Хом ашёдан тайёр либосгача

— Бир қатор хорижий давлатлар компаниялари томонидан ҳамкорликда яратилган "Dilmenler" русумли бўяш, "Jukt" русумли тикув, "Lafek" русумли матоларни қайта ишлаш дастгоҳлари келтирилиб, ишга туширилди, — дейди корхонанинг ижрочи директори Азизбек Хайриддинов. — Шундай қилиб ўзимизнинг корхоналарда ишлаб чиқарилаётган калава ипни тўқиб, матога айлантириш, бўяш ва улардан трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш имконияти вужудга келди. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига жамоамиз аъзолари сони 47 нафарга етди.

Умуман, 2012 йил якунига кўра, туманда кичик бизнес субъектлари сони 2179 тага етди. Кичик корхоналар, микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 1918 та иш ўрни яратилди.

**Ш. ОДИЛОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Зилзила ва цунами

**_Сулаймон оролларида юз берган 8 балли зилзила Тинч океани ҳудудида цунами келтириб чиқарди._**



Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Кира-Кира шаҳридан 347 километр узоқликда қайд этилган ер силкиниши оқибатида тўрт нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Зилзила туфайли пайдо бўлган цунами элликта тураржой биносига жиддий зарар етказган. Бу ҳали якуний маълумот эмас. Чунки қурбонлар сони ва вайроналар кўлами бундан-да кўп бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

Айни пайтда цунами хавфи ортда қолган.

## Молиявий кирдикорларга ойдинлик киритилмоқда

**_Италия прокуратураси дунёдаги энг қадимий молия муассасаси — "Monte Paschi" банкининг собиқ раҳбарларини товламачиликда айбламоқда._**



"Евроньюс" телеканали хабарида айтилишича, "Monte Paschi" 2007 йилда 9 миллиард еврога "Antonveneta" банкини сотиб олган. Ана шу олди-сотди вақтида харид қилинаётган мулкнинг баҳоси тўрт баробар арзонлаштирилиб кўрсатилган. Бундан ташқари, собиқ бошқарувчилар банкнинг молиявий кўрсаткичларини яшириб, назорат органларига сохта ҳужжатларни тақдим этганликда гумон қилинмоқда.

Ушбу иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Мукофотни қайтармоқчи эмас

**_АҚШлик велопойгачи Лэнс Армстронг мусобақаларда ғолиб чиққани учун олган 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пулларини қайтармоқчи эмас._**

Буни спортчининг адвокати Тим Ҳерман айтиб ўтган. Хабарингиз бор, Армстронг 1999 — 2005 йилларда "Тур де Франс" пойгаларида кетма-кет етти бор муваффақиятга эришган. Аммо АҚШ допингга қарши агентлиги (USADA) пойгачини мунтазам кучлантирувчи препаратлар қабул қилганликда айблаб, уни судга берганди. Маҳкама жараёнида спортчининг айби исботланиб, у катта спортдан умрбод четлатилди. Шундан сўнг "Тур де Франс" велопойгаси ташкилий қўмитаси раҳбари Кристиан Прюдомм Армстронг барча мукофот пулларини қайтариши кераклигини маълум қилганди.

Тим Ҳерман эса дисквалификацияга учраган спортчи мукофот пулларини қайтариб беришга мажбур эмаслигини таъкидлаган. Негаки, шу пайтгача жазога тортилган атлетлардан бундай маблағлар қайтариб олинмаган.

## «Ўғри» тўтиқуш

**_Янги Зеландияда тўтиқуш шотландиялик Питер Лич исмли сайёҳнинг 700 фунт-стерлингини ўғирлаб кетди, деб ёзади "The Daily Record" нашри._**



Воқеа қуйидагича содир бўлган. Питер чиройли манзараларни суратга олиш учун машинасидан тушади. Бу вақтда автомобиль эшикларини очиқ қолади. Пайтдан фойдаланган тўтиқуш автоулов ичига кириб, ҳамённи ўмаради. Албатта, у нимани ўғирлаганини фаҳмламагани аниқ.

Хуллас, Питер Лич мураккаб вазиятга тушиб қолади. Чунки унинг бошқа пули йўқ эди. Шу боис яқинларига мурожаат қилиб, молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб туришларини сўрайди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ

*сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.*

*Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун давомида қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 1-қават, 104-хона. Телефон: (+99871) 150-76-44.**

203-2R/121


Интилиш

*Илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига изчил татбиқ этиш — муваффақиятлар омили. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда олимларимиз томонидан яратилган илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# Инновациялар ва иқтисодий ривожланиш

Шу маънода, Термиз давлат университети олимлари ва ёш тадқиқотчилари томонидан олиб борилаётган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий-ижодий изланишлар таҳсинга лойиқ.

— Олимларимиз томонидан тайёрланаётган ишланмаларнинг барчаси иқтисодиётимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир, — дейди кимё фанлари доктори, профессор Ҳайит Тўраев. — Гап шундаки, сўнгги йилларда йўқув муассасамиз саноат корхоналари учун том маънода тадқиқотлар марказига айланди, десам, янглишмаган бўламан. Айни чоғда 10 та лойиҳа устида илмий изланиш олиб борилаётган бўлса, уларнинг ҳар бири ҳудуддаги саноат корхоналарида синаб кўрилаётгани ана шундан далолат беради.

Маълумки, республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли қурилишбоп маҳсулот — цементга бўлган талаб тобора ошмоқда. Илгари Сурхондарё вилоятига ушбу маҳсулотнинг аксарият қисми бошқа ҳудудлардан келтирилар эди. Бу эса, ўз навбатида, унинг нархи ва иш самарадорлигига таъсир қиларди. Университет олимлари томонидан маҳаллий хом ашёдан портландцемент олишнинг тежамкор технологияси яратилгани эса соҳада янгилик бўлди.

Лойиҳа муаллифи Ҳ. Тўраевнинг айтишича, бу янгиликнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Хусусан, келгусида лойиҳа асосида қуруқ портландцемент ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мумкин. Бу эса воҳада қурилаётган Шеробод цемент заводи маҳсулотини экспорт қилиш имкониятини оширади.

Олий ўқув юрти олимлари томонидан "Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металлар билан координацион бирикмалари" мавзуида олиб борилаётган изланишлар эса металлар таркибини аниқлаш ва ажратиб олишда энг қулай усул ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, университет олимларининг истиқболли лойиҳа ва ишланмалари бугун ишлаб чиқариш корхоналари томонидан эътироф этилмоқда. Мазкур йўналишда кўплаб келишувларга эришилгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Изланиш

*Жиззах шаҳридаги "Жиззах тоғ-кон кимё" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўтган йили олтингугурт ишлаб чиқаришни ўзлаштирган бўлса, 2013 йилни яна бир лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш билан бошлади. Натижада ишчилар сони икки баробар ортиб, 55 нафарга етди.*

# Икки томонлама фойда

Корхона томонидан ўтган қисқа даврда 750 миллион сўмликдан ортиқ олтингугурт тайёрланди ва маълум қисми хорижга экспорт қилинди. Қиймати бир миллиард сўмга тенг бўлган оҳак ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун жамоага ўз маблағидан ташқари "Асака" банки вилоят бўлимининг 300 миллион сўмлик кредити қўл келди.

— Корхонамизнинг ишлаб чиқариш манбаи маҳаллий хом ашёга асосланганлиги маҳсулотларимизнинг арзонлиги ва харидоргирлигини таъминламоқда, — дейди жамият раҳбари Муҳиддин Усмонов. — Жорий йилда 30 минг тонна олтингугурт ва 20 минг тонна оҳак экспорт қилиш ниятимиз бор. Айни пайтда бир қатор хорижлик харидорлар билан 2 миллион АҚШ долларилик шартномалар имзолаш бўйича музокаралар олиб бораяпмиз.

Жамият раҳбарияти фаолият турини кенгайтириш мақсадида 2013 йилги ҳудудий дастурга яна 2 та истиқболли лойиҳани киритди. Уларга кўра, корхона ҳудудида бир гектарлик иссиқхона барпо этилиб, Тузкон кўли ҳудудида 20 ўринли дам олиш маскани қурилиб, экотуризм йўлга қўйилади.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тажриба

*Қоракўл туманидаги "Паҳлавон Назиркул Турсун" фермер хўжалигининг иссиқхонасида помидор ҳар қачонгидан кўра эрта ҳосилга кирди. Бунда кўп йиллик тажриба асқотди.*

# Кўчат етиштиришда янгича усул

— Биз помидор пояларининг юлиб ташланадиган шохчаларини плёнка остида илдиз оттириш йўли билан кўчат етиштиришни йўлга қўйганмиз, — дейди фермер Баҳодир Эргашев. — Бу усулда кўчатлар тезроқ ўсади, эрта ҳосил беради. 2008 йилда лойиҳамизни банк 120 миллион сўм кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлаган эди. Ҳозир уч гектар ерда бодринг, помидор етиштираяпмиз. 2012 йилда 250 тонна маҳсулотни юртдошларимиз дастурхонига тортиқ қилдик. Хўжалигимизнинг Қоракўл деҳқон бозорида дўкони бор.

Айтиш ўринлики, жорий йилда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш мақсадида 1345 та бизнес лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган, 4 қаватли, ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 432 703 479,5 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 26 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

192R/1453

POLIMER GROUP

«Polimer Group Asia» МЧЖ



**совуқ сув ва газ учун ∅ 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан ишлаб чиқарилган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.**

**Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, ∅ 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.**

**Кичик ҳажмларда SG-5 ёки К-67га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.**



**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

*Шиоримиз — сифатли маҳсулот мижоз учун.*

**Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03. Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz**

13R/1240

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

***«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 12 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**I.** Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 9 ноябрдаги 1-12306/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Қўйлиқ-5 мавзеси, 38-уй, 23-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 60,57 кв.м., шундан иккита яшаш хонаси умумий майдони 25,96 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич нархи — 38 000 000 сўм.***

**II.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Косон тумани судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 1-124/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор 3-мавзе, 2-уй, 30-хонадонда жойлашган, умумий майдони 54,65 кв.м., яшаш майдони 39,65 кв.м. бўлган уч хонали уй-жой.

***Бошланғич нархи — 46 917 110 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 4 октябрдаги 2-177ж/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор 1-мавзе, 59-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,42 кв.м., яшаш майдони 47,25 кв.м. бўлган уч хонали уй-жой.

***Бошланғич нархи — 104 135 968 сўм.***

**III.** Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 4 октябрдаги 2-177ж/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-«А» даҳаси, 6-уй, 66-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 119,59 кв.м., яшаш майдони 71,71 кв.м. бўлган тўрт хонали уй-жой.

***Бошланғич нархи — 117 061 034,40 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2013 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.*

197R/1192

*Companies and enterprises!*

**JV «KOR-UNG INVESTMENT» LLC**

**announce the competitive selection of organizations and enterprise who has an appropriate license and experience for the designing of the object «Compressed natural gas filling station (CNG) in Fergana region, Dangara district, village «Oqjar».**

***The proposals should be submitted due 11th of February 2013 y.***

***By address Tashkent city, Bukhara str., 6. Post code: 100047.***

**For additional information about the conditions of competition you can contact by phone: 150-06-30, 150-06-34, fax: 150-06-24. E-mail: kor.ung@mail.ru**

146-3R/102

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**«KOR-UNG INVESTMENT» МЧЖ ҚК**

**Фарғона вилояти, Данғара тумани, «Оқжар» ҚФЙ ҳудудида автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор шохобчаси қуриш учун лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишга танлов эълон қилади.**

***Танловда шу соҳада тажрибаси ва лицензияси бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.***

**Таклифлар 2013 йил 11 февралгача қабул қилинади.**

**Манзил: 100047, Тошкент ш., Бухоро к., 6-уй. Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-06-30, 150-06-34. Факс: (8-371) 150-06-24. E-mail: kor.ung@mail.ru**

146-2R/102

СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99891) 162-03-25, (+99891) 162-03-26, (+99891) 162-03-28.**
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

229/965

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

*Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “...умидим улдурки ва хаёлимға андоғ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай”, деган эди.*

# Ажаб саодат



Улуғ бобомизнинг бундай деб айтишларига асослар кўп. У умр бўйи ўз ижодини инсониятнинг бахту саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишлади. Айниқса, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилиб, юзлаб олиму шоирларнинг камол топишига ёрдам берган.

Навоий даврига қадар туркий-ўзбек тилини қолоқ тил, бу тилда бадиий, илмий асар ёзиш мумкин эмас, деган қарашлар мавжуд эди. У туркий тилнинг камситилишини ҳимоя қилиб, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида тилимизнинг нечоғлик гўзал, жилвали эканини исбот этди. Масалан, туркий тилдаги “ўт” сўзининг 26 хил маъноси борлигини, қушлар, паррандаларнинг юзлаб номлари мавжудлигини ҳамда бу сўзлар орқали шеъриятнинг ранго-ранг товланишларини ўз асарлари орқали кўрсатиб берган.

Шоир ўткинчи дунёда кишиларни бир-бирига яхшилик қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга чақирар экан, шундай ёзади:

> ***Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,***
> ***Ажаб саодат эрур қолса яхшилиқ била от.***

Алишер Навоий хамсачиликда ҳам устозлар изидан бориб, улар бошлаган ишни юксакларга кўтарди. Унинг “Хамса”си жаҳон илм аҳлини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Устоз Абдураҳмон Жомий Навоийнинг “Хамса”сини ўқиб, ўз ҳайратини шундай ифода этган эди:

> ***...Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,***
> ***Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот,***
> ***Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,***
> ***Эй Навоий, лутфинг билан наво топди.***

Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида олам гўзаллигини қушлар номи билан таранум этган бўлса, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида кишиларнинг феълатвори, одобу ахлоқи қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, юзлаб халқ мақолларини асарига олиб киради ва уларнинг абадийлигини таъминлайди. Жумладан, “Саховатсиз киши — ёғинсиз абру баҳор”, “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз” каби мақолларни ишлатганки, булар Навоий асарларининг гўзал ва таъсирчан чиқишида бир восита бўлиш баробарида, Навоийнинг халқ ҳаёти билан нақадар яқинлигини ҳам кўрсатади.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бадиий адабиёт билан шуғулланган 459 нафар турли касб эгалари ижоди ҳақида сўз юритган, улар томонидан яратилган асарларнинг ютуғидан қувонган, камчилигини тузатган. Шуниси эътиборлики, устоз Алишер Навоий ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор берган. У ўз маблағи ҳисобидан юзлаб ёшларнинг камол топишида беназир хизмат қилган.

Навоий тарихчи олим сифатида “Тарихи мулуки ажам” ва бошқа асарларни ёзган. “Насоим ул-муҳаббат”, “Вақфия”, “Қирқ ҳадис”, “Муншаот” ва бошқа асарларида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг турли соҳаси ҳақида сўз юритилади.

Мустақиллик туфайли бобокалонларимиз мероси жаҳонда беқиёс эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Шундай экан, биз бундан фахрланиш билан бирга, уларнинг муборак номларини асрлар оша олиб ўтиш учун курашмоғимиз айни муддаодир.

**Олимжон ЖЎРАЕВ,**
**Жиззах давлат педагогика институти профессори.**

# Имкониятлар янада кенгаймоқда

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ўртасида имзоланган ўзаро англашув Меморандумига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Соҳа мутахассислари, олимлар, давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилда барпо этилган “Маърифат маркази”, ушбу марказдан ўрин олган Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, олти ярим миллион нусха китоб хазинасига эга ушбу зиё масканида китобхонларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маъмурияти бундай имкониятлар кўламини янада кенгайтириш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, кутубхонага инновацион технологияларни кенг жалб этиш мақсадида давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда миллий ахборот-кутубхона ҳафталиклари, семинарлар ва турли тадбирлар ташкил этилаётгани фикримиз далилидир.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида имзоланган ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид ўзаро англашув Меморандуми ва унинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Айтиш керакки, Меморандум доирасида китобхонлар оммаси, шу жумладан, имконияти чекланган китобхонлар ва кутубхона ходимларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши борасида тренинглар ташкил этиш, соҳага оид инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илмий, таҳлилий ҳамда методик қўлланмалар, информацион ҳужжатларни айирбошлаш, илм-фан масалаларига доир конференциялар, маърузалар, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, шунингдек, икки томонни қизиқтирган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Аждодлар ибрати

*Фарғона вилоятидаги таълим муассасаларида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.*

Қўқон давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда олимлар, шоир ва ёзувчилар, ўқувчилар ҳамда шеърият мухлислари иштирок этди. Унда Алишер Навоий ижодий меросининг ёш авлод камолотидаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан шоир асарларидан намуналар ўқилди. Навоий достонлари асосидаги саҳна кўринишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

**Низомиддин АЛИЕВ.**

# Буюк мутафаккирга эҳтиром

***Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда олиму шоирлар, ижодкор ва иқтидорли ёшлар, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашди.***

## Тадбир

Бугун юртимизда буюк шоир ижодига юксак эҳтиром билан муносабатда бўлиниб, унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига сингдириш йўлида кўплаб ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилиш, шеъриятга қизиқувчи фаол ёшларни турли адабий анжуманларга жалб этиш анъанага айланганi бунинг тасдиғидир. Хусусан, бу галги назм кечасида ҳам ёш қаламкашлар, адабиёт ихлосмандлари бобомизнинг дилтортар ғазаллари, рубоийларидан баҳрибайт айтишиб, улуғ мутафаккир ижодидан таъсирланиб ёзган шеърларини ўқишди.

— Навоий бобомизнинг ҳар бир мисрасида олам-олам маъно бор, шунинг учунми, ҳар гал шоир ғазаллари, достонларини ўқисам, адабиётга муҳаббатим янада ошганлигини ҳис қиламан, — дейди тадбир иштирокчиси Нуржаҳон Усмонова. — Ўтган йили “Келажак овози” республика кўрик-танловида ҳам адабиёт ва публицистика йўналиши бўйича иштирок этиб, вилоят босқичи ғолиби бўлгандим. Бу билан кифояланмай, яна кўплаб танловларда қатнашишни мақсад қилганман. Чунки Навоий бобомизнинг келажак авлодлардан умиди ниҳоятда катта бўлган. Унинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Тадбирда таъкидланганидек, 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика кўрик-танлови минглаб иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Айниқса, танловнинг “Адабиёт ва публицистика” йўналишида қатнашиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Достонбек Музаффаров ҳам ана шундай интилувчан ёшлардан бири. У ўтган йили нуфузли кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган эди.

— Бу каби рағбат, юртимизда ёшлар учун яратилган имкониятлар ҳар биримизни янада юксак чўққилар сари интилишга ундамоқда, — дейди Достонбек. — Ўзим ҳам Навоий бобомизнинг бетакрор ижодини чуқур ўрганиб, келгусида катта илмий тадқиқотлар олиб бориш ниятидаман. Улуғ шоир меросини ўрганаётган тенгқурларим билан ҳамфикрликда янги ғоялар устида ишлаш, бобомиз ижодини ёшлар орасида янада кенг тарғиб қилишга қаратилган лойиҳаларни татбиқ этиш истагидаман.

Тадбирда Алишер Навоий ғазаллари она тилимиздан ташқари, қорақалпоқ, рус, инглиз, озар тилларида ҳам янгради.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 26 ЯНВАРДАН 1 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 76-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2173-2 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

2. «Тижорат банкининг ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги 36/1-сонли қарори.*

**2013 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 559-1 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

3. «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 27 декабрдаги 14Н-сонли буйруғи.*

**2013 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

4. «Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шаклларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 77-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2417 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

5. «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги 36/2-сонли қарори.*

**2013 йил 30 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 949-7 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

6. «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сонли қарори.*

**2013 йил 30 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

7. «Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сонли қарори.*

**2013 йил 30 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

8. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сонли буйруғи.*

**2013 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420 (2013 йил 4 февралдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

«Ваколатли банкларнинг валюта айирбошлаш шохобчалари ходимларини доимий ротация қилиш тартиби тўғрисидаги Регламент» *(рўйхат рақами 1203, 2003 йил 21 январь) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 25 январдаги 21-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Ижтимоий реклама






● Эълонлар ●


Qishloq Qurilish Bank

**ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

**ташқи ахборот сақловчи қурилмаларни**

***етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.***

*Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Телефон: (+99871) 150-76-85.**

203-1R/121

**Сара уруғ — юқори ҳосил гарови**

**Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан**

**маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини**

**таклиф қилади.**



**УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46.**

**Факс: (+99871) 257-58-61.**

180R/124


Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Санъатшунослик факультети Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Юлдуз Мамазоитовага волидаи муҳтарамаси

**ҚУНДУЗХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси Насиба Юнусовага турмуш ўртоғи

**Шоди БОЗОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5